

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ фанидан

Дарс ишланмаси

**Мавзу: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча,
унинг таркибий қисмлари.**

Тошкент – 2012 й.


РЕЖА:



- 1.Педагогик маҳорат ҳакида тушунча.
- 2.КТМД ўқитувчи фаолият мазмунига қўйиладиган талаблар.
- 3.Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг аҳамияти.

Педагогик махорат - туғма талант ёки наследан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат махсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун хам педагогик махорат хамма ўқитувчилар учун стандарт, яни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у хар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади. Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик махорати ва тажрибалари бошқа ўқитувчи ўрганиши, унда ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик махорати асосан, синф аудитория машғулотларида яққол кўринади.

Махорат-бу юқори ва доимо юксалиб борувчи тарбия ва ўқитиш санъатидан иборат. Педагог- ўз ишининг устаси, ўз фанини чукур билувчи, фан ва санъатнинг мос соҳалари билан яхши таниш, амалда умумий ва ёшлар психологиясини яхши тушунувчи, ўқитиш ва тарбиялаш методикасини хар томонлама билувчи хамда юқори маданиятга эга бўлган мутахассисdir.



«Педагогик маҳорат» ўқув курси бўйича таълим технологияси маъруза ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур кўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Педагогик маҳорат» ўқув курсини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курсининг тузилмаси келтирилган

Сўнгра фан бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган



1. маъруза
машғулотларини олиб
боришининг кириш-
маъруза, мавзу асосида
маъруза, муаммоли
маъруза, мунозара
маъруза, информацион
маъруза, кўргазмали
маъруза кўринишлари
қўлланилиши;



2. амалий машғулотларни
олиб боришининг
топшириқларни индивидул
тарзда ёки гурухда
бажарилиши, лойиҳа
технологияси, назарий
билимлар асосида билимлар
ва кўникмаларни
чукурлаштиришга
йўналтирилган амалий
топшириқларни
бажарилиши.

Қўлланма (курс)нинг асосий мақсади ҳам талабаларни педагогиканинг турли соҳалари, жумладан, умумий, ёш даврлари, ва амалий психологияга оид билимларни бериш билан бирга педагогнинг маҳорати ва шу соҳаларнинг илмий тадқиқот методларини амалда қўллашга ўргатишдан иборатdir.

Курснинг асосий вазифаларига бакалаврнинг ижтимоий фаолиятининг барча йўналишларида дарс бера олиш, дарсларни тўғри ташкил этиш, шу билан бирга бўлажак ўқитувчиларга келажакда қандай қилиб маҳоратли педагог бўлиш, талабаларни бошқаришнинг психологик омиллари, механизмлари ва шартшароитлари билан таништириш, педагогик фаолият мотивларини мукаммал ўзлаштириш, ўзларидаги қобилият ва иқтидорни ўстириш йўллари ҳамда мустақил, ижодий тафаккурни ривожлантириш омилларига ўргатиш, жамоада фаолият кўрсатганда ўзгаларга педагогик таъсир кўрсатиш сирларидан бохабар қилиш, педагогик-психологик воқеалар ва ҳодисалар табиати, уларнинг моҳиятини тушунишга кўмаклашишдан иборатdir

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ МОҲИЯТИ

-бу муаллим шахсий маданияти, билимлари ва дунёқараши, унинг ўқитиш ва тарбиялаш усулларини юқори маънода билиши ва янги тажрибалар ва педагогик техника бўйича хар томонлама тайёргарликларининг ўзига хос қотишимасидир.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ
ДАСТУРИНИНГ МАҚСАДИ — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган, улдабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Педагог ихтисослигини танлаган хар бир инсон кимларни ўқитаётган ва тарбиялаётганлиги учун ўзига жавобгарликни олади. У ўзининг касбий тайёргарлигига жавоб бериш билан бирга педагог, ўқитувчи, тарбиячи, муаллим бўлиш хукуқига эга бўлиши учун жуда кўплаб мажбуриятларни олиши зарур. **Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва мохир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган касб-хунар йўналишидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни хамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт.**

Ўқитувчининг фаолияти маҳорати

Ўқитувчининг меҳнати

Беҳат изланиш ва азоб уқубатли кечинмалар, кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиш, қилган ишларидан хурсанд бўлиш, илҳом ва бетакрор ғуурланиш они, бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил қилиш.

Ўқитувчининг санъати

Бу қандайдир қўл билан ушлаб бўлмайдиган, фаҳм фаросат билан амалга оширадиган нарсалардир.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИШЛАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИ

- педагогик фаолиятга қобилияятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илимлардан хам хабардор, маънавий баркамол;
- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;
- ихтисосига доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий илмларни мукаммал эгаллаган;
- ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, хар бир ўқувчиси улғайиб яхши одам бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган;
- эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар педагогик профессиограммада келтирилган ихтисослик хусусиятларни билишлари лозимдир. Профессиограмма қўйидаги хусусиятларни ўз ичига олади



- ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;
- ўқитувчининг руҳий-педагогик тайёргарлигига кўйиладиган талаблар;
- маҳсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;
- ихтисосга оид усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Муаллимнинг педагогик махорати қуийдаги асосий қисмлардан ташкил топиши мумкин:

1. Педагогнинг ўз фикрини, иложи борича, содда, равон ва етарлича тўлаликда тингловчига етказа олиши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган ўқитиш ишларини бажариши зарур;
2. Дарсни ташкил қилишда тингловчининг билим даражаси, уларнинг тақдим этилаётган билимларни қабул қила олиш махорати ва интилишини хисобга олган холда маъруза, семинар ва х.о. тайёрланган бўлиши ва нихоят муаллимнинг тингловчиларни ўзи билан бир хилда интилиб боришини- бир фазада ишлашини ташкил эта олиши;
3. Ўқитиш методлари, усулларини хар томонлама эгаллаган бўлиши;
4. Муаллимнинг салохияти ўтилаётган фан йўналишида ишни аниқ ва самарали бажариши учун зарур бўлган педагогик талабга жавоб бериши, фаннинг таркибига киравчи маҳсус бўлимлар юқори даражада эгалланган бўлиши ва ўз харакатларига жавобгарликни билиши;
5. Педагог ўз дарси давомида ўқувчиларда ўтказилаётган машғулотлардан қониқиши хосил қилишига эриша олиши ва ўзи тузган дарс режасининг тўғрилиги хақида ишонч хосил қилиб ўз устида янада яхшироқ ишлашга интилиши;

6. Педагог махоратни эгаллаши учун тарбия бериш қонунларини, тамойилларини ва уларнинг таркибий қисмларини билиши зарур, яъни хар бир аниқ холат учун ўқитиш методини танлаш, жараёни берилган даража ва сифатида лойихалашни билиши;

7. Муаллимнинг хар қандай шароитда хам ўқувчиларнинг етарли тарбияланганлик даражаси, ривожланиши ва зарурий билимларига эга бўлишига эришиши;

8. Педагог талабанинг хар қандай саволига жавоб топиши, унда қониқиши хосил қилиши зарур. Бунга эришиш учун муаллим ўз фанини чуқур билиши унинг ривожланиш истиқболини кўра билиши керак;

9. Муаллимнинг дарс ўтиш санъати ўтилаётган мавзууни ундан олдинги ва уйга берилган мавзулар билан боғланган холда талабаларнинг фаоллигини ошириш орқали чуқур ўзлаштиришга эриша олиши;

10. Педагогнинг ўкув жараёнида самарали тарбиявий иш олиб бориши, юқори маънавият ва ватанпарварлик туйғулари, хамда меҳнатсеварликни шакллантира олиши зарур;

11. Талабаларни ўтилаётган мавзуга жалб килиб, уларнинг фаоллигини ошириш ва кобилиятларини мустахкамлаш асосида уларни илмий жихатдан ривожлантиришга эриша олиши;

ПЕДАГОГИК МАХОРАТНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ:

- Нутқ малакалари
- Тушунарлы таъсирчан фикр ва хис-туйгуларни сўзда аник ифодалаш
- Мимика ва пантомимика
- Маъноли қараш
- Хиссий психик холат
- Кайфият ёки истехзоли табассум
- Саводли гапириш
- Аник имо-ишора
- Рағбатлантирувчи муносабат
- Ижодий жиддийлик.